

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Улуғлар ўгити – ёшлиар камоли

Аждодлар
Мероси
–
маърифат
ЗИЁСИ

УЎК 821.512.133 (089.3)

КБК 94.8

У 45

“Аждодлар мероси – маърифат зиёси” рукнида тайёрланган ушбу рисола ёшлиарнинг илмли, одобли, дунёқараши кенг шахслар бўлиб камол топшишида, улар қалбига миллий қадриятларимиз, аждодлар меросига муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришида муҳим қўлланмадир.

Боболаримиз Маҳмуд Замахшарий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Лайс Самарқандий, Амир Темур, Алишер Навоий каби улуғ сиймоларнинг панд-насиҳатлари жамланган ушбу китобча сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Улуғлар ўтити – ёшлар камоли. / Тўпловчи: Д. Нурмуҳаммад; масъул муҳаррир: Абдул Жалил Хўжам. – Тошкент: “MOVAROUNNAHR”, 2016. – 80 б.

*Масъул муҳаррир:
Абдул Жалил Хўжам*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2016 йил 13 июлдаги
3731-сонли холосаси асосида нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-385-4

© «Movarounnahr», 2016

СЎЗБОШИ

Мустақиллик шарофати билан улуғ аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш ҳамда уларни кенг китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш устувор вазифалардан бирига айланди. Шундан келиб чиқиб, китобхонлар ҳукмига тақдим этилаётган ушбу рисолада юртимиздан етишиб чиққан алломаларимизнинг Ватан ва ватанпарварлик, одамийлик, ҳаёт ва унинг моҳияти, инсоний фазилатлар, илм ўрганиш, таълимтарбия, одоб-ахлоқ каби қатор мавзуларга доир ҳикматлари жамланди. Бунда ўқувчига тушунарли, мазмун жиҳатидан ортиқча изоҳ талаб қилмайдиган содда тилда баён этилган насиҳатлар танланди.

Келгуси авлодлар ҳар томонлама етук инсонлар бўлишида Шарқ мутафаккирларининг бой илмий мероси муҳим манба ҳисобланади. Зеро, ўсиб келаётган авлод учун тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда буюк эканлигини мутафаккирларимиз алоҳида урғу билан таъкидлашган. Рисоланинг “Ёшлик – умр баҳори”, “Комиллик – етуклиқ”, “Ота-она ризоси – жаннат калити”, “Китоб қадри”, “Шукроналик”, “Одоб – инсон зийнати”, “Хунар – ҳунардан унар” каби бўлимларида аждодларимизнинг ёшларни маънавий камолот сари етакловчи қимматли ўгитлари, ҳикматли сўзлар жамланди.

Чиндан ҳам жамият ва инсоннинг, айниқса, ёшларнинг маънавий юксалишида аждодлар ўги-

ти, хикматли сўзларнинг аҳамияти катта. Уларни ўрганиш, ҳаётнинг мураккаб чорраҳаларида улардаги мазмун-моҳиятдан унумли фойдаланиш ва ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонийликни йўқотмаслик кишининг етук ахлоқий фазилатларга эга эканини кўрсатади.

Бундан ташқари, тўпламдан “Мардлик”, “Қаноат”, “Сабр-матонат”, “Виждон ва эътиқод” каби қатор мавзулардаги юрт мустақиллиги буюк неъмат эканини, Ватан ва миллатнинг ёрқин истиқболи, жамият равнақи учун ҳар бир инсон масъул эканини англатувчи ҳикматлар ҳам ўрин олган.

ЁШЛИК – УМР БАҲОРИ

Ёшликнинг қадрига етинг, у бир куни сиздан шаксиз кетади, уни қанчалик қаттиқ тутманг, бир куни сиздан қочади.

Сизларда йигитлик куч-қуввати бор экан, уни зое кеткизмасдан, бурчингизни бажаришга сарфланг.

Юсуф Хос Ҳожиб

Бўлар одам ёшида бош бўлар,
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.

Амир Темур

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгиз,
Ўзни қарилек меҳнатидин қўрқутунгиз.

Ақлли ёш кекса жоҳилдан яхшироқдир.

Йигитлик умр гулшанининг баҳоридир.

Ўтган йигитлик орзу билан қайтмас.

Алишер Навоий

Қарилар ҳолиға боқ лутфинг кўзидин, эй йигит,
Ким камоли ҳусн ожизлар дуосидин санга.

Огаҳий